



LearnEnglish Family



learning
together is fun!




LearnEnglish kids
Fun for children learning English



www.britishcouncil.org

Фарзаднингиз билан инглиз тилида сўзлашинг





Фарзандингизга кўмаклашиш учун ин- глиз тилида гаплашиш

Болаларни ўз она тилларида гаплашишга асосан уларнинг ота-оналари ўргатадилар. Бола ҳаётнинг дастлабки икки йили давомида асосан онасининг овози ва унинг сўзлашув услуги (бунга "перентис" дейилади) болага ўз она тилини ва унда сўзлашишни ўргатади.

Инглиз тили бўйича бошланғич билимларга эга бўлган ота-оналар ҳам ушбу перентис услугини қўллаш ва уни ўз шароитига мослаштириш орқали фарзандларининг инглиз тилини ўрганишларига кўмак беришлари мумкин.

Ота-оналар инглиз тилидаги талаффузларидан ҳавотир олишлари мумкин. Ёш болалар ўз талаффузларини атрофларидағи инглиз тилига мос келувчи равишда ўзгартира олиш каби ажойиб қобилиятга эгалар. Ёш болалар "мен инглиз тилида сўзлаша оламан" ва "мен инглиз тилини ёқтираман" деган фикрга боришлари лозим. Ота-оналар фарзандлари биринчи сабокданоқ шундай фикрга боришларига ёрдам бера оладилар.

Нима учун ота-онанинг күмагидан яхиси йўқ ҳисобланади

- Ота-оналар ўз фарзандлари билан алоҳида вақт ўтказишлари ва бор эътиборни фарзандларига қаратишлари мумкин.
- Ота-она инглиз тили бўйича сабоқларни ўзига ва фарзандига мос келадиган равишда куннинг исталган қисмига киритишлари мумкин.
- Ота-она инглиз тили сабоқлари узунлигини ва бундай дарслар таркибини фарзандининг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва эътибор бериш қобилияtlарига мос келувчи равишда ўзгартириши мумкин.
- Ота-она ўз фарзандини жуда яқиндан билади ва фарзанди тилни ўргана олиши қобилиятига мос келувчи инглиз тилида сўзлашув услубини интуитив равишда белгилай олади.
- Ота-она ўз фарзадининг кайфиятини ҳаммадан яхши аниқлай олади ва бунга жавобан иш кўради. Болалар баъзи кунларда тилни жуда тез ўзлаштирадилар ва баъзи кунларда эса ўз эътиборларини жамлашга қийналадилар.



- Ота-оналар бутун бошли синф билан эмас битта бола билан ишлашлари сабабли тил ўрганиш сабоқларини янада завқули қилиб олиб боришлари мумкин.
- Ота-оналар оила ҳаётига инглиз маданиятини олиб киришлари мумкин ва бу орқали ўз фарзандлари дунёқарашини кенгайтирадилар ҳамда фарзандлари ўз маданиятлари ва инглиз маданиятига хос бўлган нарсаларни англашларига ёрдам беради.

Перентис тили нима?

"Перентис" - кичик ёшдаги боланинг тилига мослашган ҳолда сўзлашиш услуги бўлиб, бунда бола билан сұхбатлашган ҳолда уни янги даражаларга етишишига ёрдам берилади. Аёллар перентис тилидан табий равища фойдаланадилар; баъзи эркаклар учун эса агар сұхбатни маълум бир мавзулар, масалан, суръат ёки ўйин асосида олиб бормайдиган бўлсалар, буни амалга ошириш қийин туйилади. Аммо болалар, айниқса ўғил болалар, эркак тикиши намунасига муҳтоҷ бўладилар, чунки эркаклар тиљдан ўзгача услугда фойдаланадилар. Эркаклар тиљдан фойдаланишда нисбатан техник ёндошувни қўллайдилар ва камроқ "лақиллайдилар".

Ота-оналар, майинроқ, мулойим овоз ва оддийроқ тиљдан фойдаланаар эканлар ўз фарзандларини қуидаги равишда фаолиятга ундейдилар:

- Жараённи изоҳлаб бориш (баланд овозда): "Let's put it here" ("Кел буни бу ерга қуямиз"), "There" ("У ерга"). "Look, I've put it on the table" ("Қара, мен уни столнинг устига қўйдим"). "Which one do you like?" ("Сенга қайси бири ёқади?") [пауза], "Oh, I like this one" ("Вой, менга буниси ёқди"). "The red one". ("Қизил рангдагиси").





- Фойдалы тилни катталар сўзлашувидагинга нисбатан кўпроқ та-
крорлаш: табий равища тақрорлаш болага ўрганаётгандарини
мустаҳкамлашга ёрдам беради. Тақрорлаш ота-оналар учун зери-
карли бўлиши мумкин, лекин бола учун зерикарли бўлмайди.
- Бола эндиғина айтганларини тақрорлаш ва уни кенгроқ услубда қўл-
лаш: Бола "Yellow" ("Сариқ"); Ота (она): "You like the yellow one". ("Сен-
га сариқ рангдагиси ёқади"). "Here it is". ("Мана у"). "Here's the yellow
one" ("Мана сариқ рангдагиси"). "Let's see, yellow, red and here's the
brown one" ("Қани кўрайлик, сариқ, қизил ва бу ерда жигаррангда-
гиси бор экан"). "I like the brown one, do you?" ("Менга жигаррангда-
гиси ёқди, сенгачи?") [пауза]
- Нисбатан секинроқ гапириш ва янги сўзларга табий равища,
тилнинг оҳангини ўзгартирмаган ҳолда, урғу бериш. "Which rhyme
shall we say today?" ("Бугун қайси шеърни ўқиймиз?"). "You choose".
("Сен танла") [болага танлаш имконини бериш учун пауза]
- Инглиз тили сабоқлари, ҳаракатлар ва ўйинларни олиб борища
бир хил жумлаларни қўллаш. Болаларнинг тилни англаши ортиб
бориши сайн мазкур асосий жумлалар кенгайтириб борилади:
"Let's play Simon says." ("Кел, Саймон дейдикни ўйинини ўйнаймиз").
"Stand there." ("Ўша ерда тур"). "In front of me." ("Менинг рўпарамда").
"That's right." ("Худди шундай"). "Are you ready?" ("Тайёрмисан?").
- Боланинг тушунишига ёрдамлашиш учун юз ифодалари ва имо-
ишоралардан фойдаланиш



- Ийманиб турган болани гапиришга ундаш ва рағбатлантириш учун якка мuloқот даврида нигоҳ контакти услугаидан фойдаланиш
- Болалар жавоб беришдан олдин эшигандарини мулоҳаза қилишлари лозимлиги туфайли узороқ муддатга пауза қилиш. Сўзлашиш хали чегараланган бўлган вақтларда сукут сақлашни атайлаб узайтириш жараённи янада завқлироқ қилиш ёки ўйинга бўлган қизиқшини сақлаб қолиш имонини брдаи.

Баъзи ота-оналар жараённи томошага айлантириш ва перентис тилидан фойдаланишдан ҳижолат бўлишлари мумкин. Аммо, бола

учун бундай қилиниши инглиз тилини ўрганишни енгилаштиради чунки улар бундай “кичик дарслар”ни ўз она тилларидан ўзлаштирганлар. Кичик болалар гапиришни бошлаганларида ота-оналар табиий равишда перентисдан фойдаланишга эҳтиёж камайганлигини хис қиласдилар. Лекин янги тил ёки фаолиятни танишинтириш ҳолатлари бундан мустасно бўлади.



Инглиз тилидан фойдаланиш

Инглиз тилидаги оддий сўзлардан фойдаланиш ва уларни кўп қайтариш орқали ота-оналар фарзандлари ўзларига яхши таниш бўлган ва кейин нима бўлишини аниқ билган фаолиятлар, масалан, ўйинлар ва кичик шеърларни ўқишида инглиз тилида фикрлай бошлашларига ёрдам беришлари мумкин.

Кичик болалар қуидагилар тўғрисида инглиз тилида сўзлаша олишни истайдилар:

- Ўзлари ва уларга ёқадиган нарсалар: "I like; I don't like ...yuk" ("Менга ёқади; Менга ёқмайди...киҳа")
- Ўзлари бажарган ҳаракатлар тўғрисида: "I went to; I saw...; I ate..." ("Менга бордим; Менни кўрдим; Мен едим")
- Ўзи ва бошқаларнинг руҳий ҳолатлари тўғрисида: "I am sad; she's cross..." ("Мен хафаман; Унинг жаҳли чиқиб турибди").

Ота-оналар суръатли китобларини ўртоқлашиш ёки расмлар ва фотосуръатлардан фойдаланган ҳолда ўз китобларини тузиш орқали фарзандарига ёрдам беришлари мумкин.

Кичик ёшдаги болалар ўз она тилларини ўрганиш жараёнида ўзлаштирган кам миқдордаги сўзларини



күплаб ҳолатларга құллашда мутахассис бўлиб қоладилар: "All gone" ("Хаммаси туғади"). Агар катталар ҳам инглиз тилидаги жумлаларни айнан шундай услубда қўллайдиган бўлсалар, кичкина болалар кўп ўтмай уларга тақлид қила бошлийдилар.

Болалар мактаб инглиз тилисини машқ қилишлари керак бўлганда улар қўйидаги ча жумлалардан фойдаланадилар: "What's your name?" ("Сени исминг нима?") "How old are you?" ("Неча ёшдасан?") "What's this? ("Бу нима?") "That's a pencil" ("У – қалам"). Ота-оналар бундай машқларни қизиқарли ўйинларга айлантиришлари мумкин. Масалан, фақат инглизча сўзлашувчи ўйинчоқдан фойдаланиш мумкин. Ундан саволлар сўрайдилар ва гўёки у жавоб берадигандай қиласидилар.

Кичкина болалар сўзлашув тажрибалари ошиб бориши жараёнида инглиз тилидаги жумлаларга ҳали инглизча таржимасини билмайдиган сўзларни ўз она тилларидаги кўринишини киритиб қўллашлари мумкин: "He is eating a (...)" ("У (...) ни еяпти"). Агар катталар ушбу жумлани фақат инглиз тилида такрорлайдиган бўлсалар, бола инглизчасини билмаган сўзини тезда ўрганиб олиши мумкин: "He is eating a plum." (У олхўри еяпти). "A plum" (Олхўри).



Қачон таржима қилиш керак

Кичкина болаларнинг тушуниш қобилияти камситилмаслиги лозим; уларнинг тушуниш даражалари инглизча сўзлай олиш даражаларидан анча юқори. Ўз она тилларида болалар ўзлари эшитаётган сўзларнинг фақат баъзиларини тушуниш, қолганларини эса гапираётган инсоннинг тана харакатлари ва вазиятдан келиб чиқсан ҳолда аংглашга ўрганганлар. Перентис услубидан фойдаланилганда болалар ўзларининг мазкур кўникуларини инглиз тилидаги сўзларнинг маъносими чиқаришга нисбатан қўллай бошладилар.

Янги концепциялар ва янги тил бир вақтнинг ўзида танилаётган ҳолларда қўлланилган сўзларнинг таржимасини тезда, бир марта, шивирлаб айтиб ўтиш лозим топилиши мумкин. Кетидан яна инглиз тилидаги янграши айтилади. Агар таржима бир мартадан кўп қўлланилса ва бу кейинги сабоқларда ҳам такрорланадиган бўлса, бола инглиз тилини тушунишга ўз заковатини қўллашнинг ўрнига айтиган сўзларнинг таржи маси берилишини кутишга ўрганиб қолиши мумкин.

Инглиз тили машғулотлари

Инглиз тили сабоқлари бир неча дақиқадан то ўн дақиқагача бўлга вақтни ўз ичига олишлари ва шароитдан келиб чиқсан ҳолда, бир кунда бир ёки икки марта ўтказилишлари мумкин. Инглиз тили қанчалик тез-тез қўлланиладиган бўлса, у шунчалик тез ўзлаштирилади.

Инглиз тили сабоқлари давомида ота-оналар ҳеч нарсага чалғимасдан бутун эътиборларини ўз фарзандларига қаратишлари лозим.



Кичик ёшдаги болалар инглиз тили машғулотлари-ни севиб қоладилар, чунки ушбу машғулотлар улар учун ота-онанинг ўз эътиборини фақат уларга қаратадиган вақт ҳисобланади.

Ёш болалар мантиқий фикрлайдилар. Улар инглиз тилида гапиришлари учун уларга бир сабаб керак. Ахир улар ҳам, ота-оналари ҳам ўз она тилларида мулоқот қила оладиларку.

Улар учун ўз она тилларидан инглиз тилига ўтиш қийин туйилиши мумкин. Шунинг учун маҳсус шарт-шароитлар ўрнатилиши лозим: "Уч дақиқадан сўнг бизнинг инглиз тилидаги мулоқот вақти-миз бошланади." Инглиз тилида мулоқот учун маҳсус шарт-шароитларни белгилаш хонадаги маҳсус жойга ўтиш билан боғлиқ бўлиши мумкин: "Кел, шу диванга ўтирамиз. Қани энди инглизча гаплашамиз". Инглиз тили бўйича янги сабоққа ўтишдан олдин "қизиб олиш" учун инглизча санаш ёки яхши таниш бўлган инглизча шеърни ўқиш ҳам яхши ёрдам беради.

Болалар мулоқот улар бевосита иштирок этаётган фаолият билан боғлиқ бўлганида тилни яхши ўрганадилар. Агар мазкур фаолият уларга ўз она тилларида таништирилган бўлса ва уни яхши тушуниб олган бўлсалар, улар ўзларини анча дадил хис қиладилар ва фаолият билан боғлиқ бўлган инглизча сўзларни тушуниш ва ўрганиб олишга тайёр бўладилар.



Машғулотлар фақат инглиз тилида олиб борилса, улардаги фаолиятлар қисқароқ бўлиши лозим, чунки болаларнинг бошқа тилдаги фаолиятга ўз эътиборини йўналтира олиш давомийлиги ўз она тилидагинга нисбатан қисқароқ бўлади. Фақат инглиз тилидаги мулоқотга қулоқ солиш болаларни тез чарчатиши мумкин.

Рағбатлатириш ва мақтov

Кичик ёшдаги болалар ўз ота-оналарининг мақтовини кутадилар. Улар машғулотда ўзларини яхши хис қилишлари ва муваффакиятга эришаётганликларини билиб туришлари лозим. Ота, она ҳамда яқин қариндошлар томонидан кўрсатилувчи давомий ижобий кўмак, рағбатлантириш ва мақтov болаларда ўзига бўлган ишончни шакллантириш ва уларнинг қизиқишини ортиришга ёрдам беради. Билим олишнинг дастлабки босқичларида кўмак берилиши айниқса муҳим ради. "Яхши". "Мана бу менга ёқди". "Баракалла!"

Инглиз тилини ўрганишга киришиш даври кичик ёшдаги болаларга ўз ота-оналарининг кўмаги энг кўп керак бўладиган даврdir. Болалар инглиз тилида сўзлашиш, шеърлар ўқиш ва баъзи ҳикояларни эслаб қолишини уddaлаганларидан сўнг уларнинг унчалик кучлик ёрдамга эҳтиёжлари қолмайди. Аммо, бошланғич босқичда, инглиз тилидаги жумлалар, шеърлар ва ҳикояларни ўйин кўринишида оила ҳаётига киритиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Оила ҳаётига тадбиқ этилган инглиз тилига бўлган боғлиқлик ҳосил бўлиши мумкин бўлиб, унинг болалар томонидан ўзлаштириши эҳтимоли юқори бўлади. Ушбу услуб инглиз тили ва бошқа миллатлар маданиятига нисбатан бутун умрлик ижобий муносабатнинг бошланиши бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда шу нарс сир эмаски, инсонда муайян нарсаларга бўлган бутун умрлик муносабат илк болалик даврида, яъни 8-9 ёшга қадар шаклланади.

Кўшимча маълумотлар учун мурожаат манзили: www.britishcouncil.org/parents

Биргаликда ўрганиш жуда завқли!







www.britishcouncil.org/parents

Ота-оналарга күмаклашиш учун Британия Кенгашы томонидан яратилган бир қатор құлланмалардан бири.
Буюк Британия мұаллифи ва Таълим Маслаҳатчысы Опал Данн томонидан ёзилған.

© British Council 2008

The United Kingdom's international organisation for cultural relations and educational opportunities.

A registered charity: 209131 (England and Wales) SC037733 (Scotland).